



CORRUPTION IN SPORTS AS AN OBJECT OF SCIENTIFIC RESEARCH

Karimjon Khusankhanovich Musashaykhov

Master's student

Law enforcement academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: sport, corruption, corruption in sport, corruption offence, illegal influence on the results of sports competitions.

Received: 04.04.24

Accepted: 06.04.24

Published: 08.04.24

Abstract: Corruption has penetrated all spheres of our life, including sport. The problem of corruption in sports is relevant today. In this regard, through scientific research in this area, it is necessary to study the problems of combating corruption in sports, scientific methods and recommendations and their rational implementation in practice.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА СПОРТ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯ

Каримжон Хусанханович Мусашиайхов

Магистратура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: спорт, коррупция, спортдаги коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, спорт мусобақалари натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш.

Аннотация: Коррупция ҳаётимизнинг барча соҳаларига, жумладан спортга ҳам кириб келди. Спортдаги коррупция муаммоси бугунги кунда долзарб масалага айланди. Шу жиҳатдан, ушбу соҳани илмий тадқиқ қилиш орқали спортдаги коррупцияга қарши курашиш муаммоларини ўрганиш, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга оқилона жорий этиш муҳим ҳисобланади.

КОРРУПЦИЯ В СПОРТЕ КАК ОБЪЕКТ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Каримджон Хусанханович Мусашиайхов

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: спорт, коррупция, коррупция в спорте, коррупционное правонарушение, незаконное влияние на результаты спортивных соревнований.

Аннотация: Коррупция проникла во все сферы нашей жизни, в том числе и в спорт. Проблема коррупции в спорте сегодня актуальна. В связи с этим, путем научного исследования в данной сфере, необходимо изучить проблемы борьбы с коррупцией в спорте, научные методики и рекомендаций и их рациональное внедрение в практику.

КИРИШ

Коррупция замонавий жамиятнинг салбий ҳодисаси бўлиб, доимий равишда пухта ўрганишни, тизимли ёндашувни, ҳар томонлама ва тезкор чоралар кўришни талаб қилади. Таъкидлаш лозимки, коррупция даражаси ва кўлами иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади, инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади ва халқаро миқёсда мамлакат обрўсига жиддий путур етказди. Шу муносабат билан коррупцияга қарши курашиш барча мамлакатлар учун асосий устувор йўналиш ҳисобланади.

Шубҳасиз, ҳозирги вақтда коррупция тизимли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига: сиёсат, бошқарув, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга таъсир қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Transparency International маълумотларига кўра, спорт соҳасидаги фойда йилига **145 миллиард АҚШ доллари**дан ортиқни ташкил этади, бу эса коррупция ривожланиши учун моддий асос ва замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, спортдаги коррупция ҳар қандай давлатнинг спорт сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишига қаратилган саъй-ҳаракатларини заифлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг спорт соҳаси томонидан тақдим этилаётган хизматларга бўлган қизиқишини камайтиради, аксарият спорт ташкилотлари учун эса молиявий йўқотишларга сабаб бўлади.

Энг аввало, спортдаги коррупция ҳолатлари спортчиларда ва бу соҳага кириб келаётган ҳаваскорларда, қолаверса миллионлаб томошабинларда спортга бўлган ишончни йўқотилишига олиб келади.

Шу билан бирга, спортдаги коррупция давлатнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузига салбий таъсир кўрсатади.

Россиялик олим **Ю.Трубицына** таъкидлаганидек, “спортдаги коррупция муаммоси – бу халқаро муаммо бўлиб, бунда ҳамкорликнинг турли шакллари орқали барча давлатларнинг мувофиқлашган ҳолда иш олиб бориши, ўзаро ёрдам ва ишончга

асосланган ҳамкорлиги спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда жиддий натижаларга эришиш имконини беради”.

Сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятнинг спортдаги коррупция иллатини таг-томири билан йўқ қилиш борасида барча саъй-ҳаракатларини йўналтираётганлиги ва тегишли аниқ қатъий чораларни кўраётганлиги алоҳида эътирофга сазовордир.

Зеро, бу борада Ўзбекистонда ҳам барча йўналишлардаги ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш ишлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 17 май куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқида, “Жамиятда коррупцияга мурасиз бўлиш муҳитини шакллантириш энг устувор вазифаларимиздан бирига айланди. Ортиқча бюрократияни қисқартириш ва коррупциянинг таг-томири билан йўқ қилиш бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг диққат марказида бўлади”, - деб таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

Алоҳида қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда “коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган **30 га** яқин қонун, **100 га** яқин Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Маҳаллий экспертлар ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидек, бундай чоралар қисқа муддатда ўз самарасини бера бошлади.

Жумладан, “**Transparency International**” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2023 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингда Ўзбекистон **5** поғона юқорига кўтарилиб, **121** ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз мазкур индексида сўнгги 10 йил давомида ўсиш суръатларини қайд этаётган давлат сифатида Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасининг аксилкоррупция ислохотларини тизимли равишда амалга ошираётган давлатлар қаторида қайд этилди.

Ушбу ислохотларнинг самараси жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Негаки, сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабати сезиларли даражада яхшиланди. Бу энг аввало, давлат томонидан

соҳадаги тизимли муаммоларга жиддий эътибор қаратилиб, ижобий томонга ўзгартириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилиши билан боғлиқдир.

Хусусан, мамлакатимизда спортни оммалаштириш, айниқса бокс, гимнастика, футбол, шахмат ва кураш каби спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, **30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** қабул қилинди.

Шунингдек, сўнгги беш йилда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қарийб **4 триллион сўм** йўналтирилгани ҳам бу борадаги ишлар салмоғини яққол намоён этмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, “бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ, афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда, - деб таъкидлаган эдилар.

Шу жиҳатдан, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга қарамасдан, спорт соҳасида ҳам коррупциявий ҳолатларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда.

Агарда статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан спорт соҳасига 2019-2021 йилларда ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ўрганилганида **464** та спорт муассасаларида жами **27 млрд. сўм** зарар етказилганлиги аниқланди.

Хусусан, ҳудудий спорт муассасалари томонидан 20 та ҳолатда 8 млрд. сўмлик маблағлар иш ҳақи ва бошқа тўловлар сифатида ўзлаштириб олинган, спорт муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишларида 25 та ҳолатда 10 млрд. сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилган, спорт-таълим муассасаларини жорий таъмирлаш учун ўтказилган танловларда 72 та коррупциявий ҳолатларга йўл қўйилган, спорт жиҳозлари 8 та ҳолатда 4,2 млрд. сўмга қиммат нархларда сотиб олинб, маблағлари талон-торож қилинган, ўтказилмаган ўқув машғулоти йиғинлари ўтказилганлиги ҳақида 10 та ҳолатда ҳужжатлар сохталаштирилиб, 4,3 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган.

Мазкур қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан **1 150** та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, **431** нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланган ҳамда **66** та жиноят иши қўзғатилган.

Бундан кўринадики, соҳадаги коррупцияга оид ҳуқукбузарликлар ҳали ҳам сезиларли даражада учраётгани ва келтирилаётган зарарнинг тобора ортаётганлиги мавжуд статистик рақамлардан ўз тасдиғини топмоқда.

Шу боисдан, бугунги кунда спортдаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида тегишли меъёр ҳамда қоидаларни қабул қилиш ва уларни илғор халқаро стандартлара асосида такомиллаштириб бориш замонавий спортни ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи **Ю.Федотов** таъкидлаб ўтганидек, “халқаро ҳамжамият спортдаги коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган барча ўз саъй-ҳаракатларини йўналтириши керак”.

Афсуски, бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги коррупциявий қонун бузилиши ҳолатларини ахлоқий, ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан олдини олишга оид чоралар етарли эмас.

Шунга қарамай, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг замонавий концепциясининг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, спорт соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ вазифа ва йўналишларни аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Зеро, мазкур жараёнда соҳадаги коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи барча хавф-хатарларни ва салбий омилларни баҳолаш, коррупцияга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ва бартараф этиш, коррупцияга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни бундай хатти-ҳаракатлардан қайтариш ва коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида профилактик ва махсус чораларни кўриш талаб этилади.

Жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, қонунчиликни, шу жумладан спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг спортдаги коррупция билан боғлиқ ишлар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Яна бир муҳим чоралардан бири соҳада жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади. Бу ихтиёрийлик асосида ташкил этилган жамоатчилик органлари бўлиб, у спортдаги коррупцияга қарши курашиш, ҳакамлик органлари фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қарорлар ижросини

текшириш, қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг қилиш билан шуғулланади.

Шу билан бирга, соҳада “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чораларини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади.

Қатор олимлар таъкидлаганидек, “Ҳар қандай глобал муаммога эътибор бермасликнинг оқибатлари даҳшатлидир”.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни ўз ичига олади.

Ўрганишлар спортдаги коррупция мавзусига оид илмий тадқиқотлар кам сонли эканлигини кўрсатди. Бунда, асосан спортдаги коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари, спортдаги коррупцияга қарши ҳуқуқий чоралар, коррупция жараёнларининг криминологик олдини олиш, спорт соҳасидаги коррупция жиноятларини тергов қилиш йўналишлари тадқиқ қилинганлиги аниқланди.

Шу боисдан, спорт соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналишидаги назарий-ҳуқуқий асосларни чуқур ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Албатта, иқтисодий хавфсизлик ва коррупциянинг олдини олиш муаммоси ҳар бир давлат ҳаётида, шу жумладан юридик фанда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Коррупция ва унинг моҳияти, унинг шакллари ва унга қарши курашишга оид самарали механизмлар масалалари миллий олимларимиз томонидан муайян даражада тадқиқ қилинган. Жумладан, коррупцияга оид илмий-назарий муаммолар Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Қ.Тожибоев, Қ.Р.Абдурасулова, Е.В.Коленко, Б.И.Исмоилов, Т.И.Кенжаев, М.Й.Мухаммадиева, А.П.Аллабергенов ва М.Х.Сулайманов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Сўнгги йилларда халқаро тадқиқотларда спорт коррупцияси ҳам долзарб мавзуга айланиб, унинг турли кўринишлари ўрганилган бўлсада, спортдаги коррупция, умуман олганда сиёсий коррупцияга қараганда тарихан камроқ тадқиқот олиб борилган соҳадир.

Қайд этиш жоизки, замонавий тадқиқотларнинг аксарияти спорт соҳасидаги коррупциянинг сабабларига қаратилган бўлиб, айрим олимлар томонидан кенг таҳлиллар амалга оширилган бўлса, баъзилари томонидан эса аниқ ҳолатлар кўриб чиқилган, холос.

Масалан, Россиялик олимлар **А.В.Курсаев** ва **С.К.Сулейманов** спорт мусобақалари натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш масалалари чуқурроқ ўрганишган.

Шунингдек, спортдаги коррупция жиноятларининг олдини олишнинг айрим масалалари эса Россиялик олимлар **А.П.Алексеева**, **А.С.Иванов**, **И.В.Понкин**, **А.И.Понкина**, **В.В.Сараев** ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Масалан, **А.С.Иванов** “Профессионал спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда коррупция жиноятларининг олдини олиш” мавзусидаги диссертация тадқиқотида спортдаги коррупция жиноятларининг сабаблари ва шарт-шароитлари, унинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги илмий билимларни тартибга солиб, тизимлаштирган ҳолда янги тамойилларни шакллантиришга ҳаракат қилган.

Спорт ташкилотлари орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш имкониятлари ҳақида **К.Ю.Рожнова** ўз илмий ишларида баён қилган.

Таъкидлаш жоизки, ўрганишлар Ўзбекистонда спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналишида етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаганлиги кўрсатди.

Бироқ, кам сонли бўлсада, Тошкент давлат юридик университетининг фуқаролик ҳукуки ва халқаро хусусий ҳуқуқ кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан спорт муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2021-2022 йилларда **Э.Т.Мусаев**нинг “Спорт муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш” ва “Профессионал спорт ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати” номли монографиялари нашр этилган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Тошкент давлат юридик университетида 2020-2021 йил ўқув йилида “Спорт ҳуқуқи” магистратура йўналиши очилди. Албатта, бу келгусида спорт соҳасида юрист - мутахассисларни тайёрлаш, аҳолимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, соҳада илмий изланишлар олиб боришга замин яратади.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида, юқоридаги устувор вазифалардан келиб чикиб, бу борада амалга ошириладиган илмий изланишлар Ўзбекистонда спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини такомиллаштиришга, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш ва соҳада коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг илғор механизмларини миллий қонунчилик ва амалиётга жорий этилишига салмоқли даражада хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш.// Илмий мақола. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Journal of law research/ 3-Махсус сони. 24 бет. 2022 йил.
2. Мусаев Э.Т. Правовое регулирование спортивных отношений // Монография. – Ташкент: ООО IMPRESS MEDIA, 2020.
3. Алексеева А.П. Частная криминологическая теория предупреждения преступности в сфере профессионального спорта / А. П. Алексеева // Вестник Саратовской государственной академии права. - 2009. - № 2 (66). -С. 144-146.
4. Алексеева А.П. Организационно-управленческие основы предупреждения коррупционной преступности в сфере спорта // Уголовно-правовые и криминологические проблемы противодействия преступности в спорте: сб. материалов Всерос. науч.-практ. круглого стола. СПб., 2020. С. 18–21.
5. Амиров И.М. Правовое регулирование спортивно-технических отношений: вопросы теории и практики: дис. .канд. юрид. наук: 12.00.01/ Амиров Искандер Маратович. - М., 2005. - 219 с.
6. Дементьев Е.А. Средства государственно-правового воздействия на отношения в сфере спорта: автореф. .дис. канд. юрид. наук: 12.00.01. / Дементьев Евгений Александрович. - Нижний Новгород, 2013. -25 с.
7. Иванов А.С. Предупреждение коррупционной преступности при организации и проведении профессиональных спортивных мероприятий: дис. канд. юрид. наук. 12.00.08. - М., 2017. - 152 с.
8. Гладких В.И., Алиев В.М., Степанов-Егиянц В. Г. Противодействие коррупции на государственной службе. Учебное пособие для бакалавров, магистров, специалистов. – М.: Юрайт. – 2019. – С. 41–52.
9. Трубицына Ю.Ю. Международные аспекты противодействия коррупции в спорте // Вестник Московского университета МВД России. – 2016. – № 7. – С. 115–117.
10. Holden J., Rodenberg R. The sports bribery act: a law and economics approach // Northern Kentucky law review. Vol. 42. № 3, 2015. Pp. 112-115.
11. Gorse S., and Chadwick S. (2010). Conceptualizing corruption in sport: implications for sponsorship programmes. European Business Review.
12. Maennig W. Corruption. // Handbook on the Economics of Sport. / Edited by W. Andreff and S. Szymanski. – Cheltenham: Edward Elgar, 2006. – xviii; 830 p. – P. 784–794.
13. Global Corruption Report: sport. [Электрон манба]. – URL:

https://www.transparency.org/whatwedo/publication/global_corruption_report_sport

14. Ольга Бешлей. Коррупция в большом спорте – как это работает. 8 июня 2019 г. – URL: <https://www.currenttime.tv/a/30007142.html> (дата обращения: 04.07.2021).

15. <https://president.uz/uz/lists/view/6332> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқи

16. <https://president.uz/uz/lists/view/5774> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошевнинг нутқидан (Бош прокуратура телеграм ижтимоий тармоқдаги расмий сайтидаги манба)/[Электрон манба]. URL: <https://t.me/uzbprokuratura>.

18. <https://www.transparency.org//2019>

19. <https://t.me/uzbprokuratura/17759>

20. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси

21. <https://t.me/uzbprokuratura/23317>

22. Глава УНП ООН: «Необходимо защитить спорт от коррупции» [Электрон манба].

23. Jarvie G, Thornton J, Mackie H (2018) Sport, Culture and Society - An Introduction, Third Edition”, Routledge, Taylor & Francis Group, Abingdon, UK, pp. 232.

24. <http://lex.uz/docs/3088008>

25. Алексеев С.Л. Основные подходы к понятию коррупции как угрозы экономической безопасности субъекта РФ / Казанский экономический вестник. 2019. № 4 (42). С. 49-53.

26. Axrarov B.D. Boshqaruv tartibiga qarshi mansabdorlik jinoyatlari uchun javobgarlik muammolari: Yurid. fan. dokt. ... dis. avtoref. – Toshkent, 2008. – 39 b.; Zufarov R.A. Poraxoʻrlik uchun jinoiy javobgarlik. Monografiya. – T.: TDYUI, 2004.; Tojiboyev Q. Mansab mavqeini suiisteʼmol qilish yoʻli bilan oʻzgalar mulkini talon-toroj qilganligi uchun javobgarlik. – Toshkent: TDYUI, 2004. – 64 b.; Abdurasulova Q., Qurbonov O. Korruptsiya: Asosiy tushuncha va shakllari (risola). – T.: Falsafa va huquq instituti, 2009. – 64 b.; Коленко Е.В. “Ответственность за получение взятки: перспективы совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан с учетом международных стандартов”: автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2023. – 51 с.; Кенжаев Т.И. “Антикоррупционная экспертиза проектов актов

законодательства: сравнительно-правовой анализ”: автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2022. – 53 с.; Исмоилов Б.И. “Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере противодействия коррупции”: автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент, 2021. – 54 с.; Аллабергенов А.П. Ответственность за хищение, совершенное путем злоупотребления служебным положением. – Ташкент: ТашГУ, 1984. – 51 с.; Сулайманов М.Х. Уголовно-правовая борьба с преступлениями, посягающими на деятельность представителей власти и общественности по охране общественного порядка. Автореф.канд.дисс. – Т., 1984.

26. Manoli A. E., Bandura C., Downward P. Perceptions of integrity in sport: Insights into people’s relationship with sport. *International Journal of Sport Policy and Politics*. 2020; 12:207–220. <https://doi.org/10.1080/19406940.2020.1747101>

27. Ляковска К. Коррупция в спорте в Польше – правовой и криминологический аспекты // Уголовно-правовые и криминологические проблемы противодействия преступности в спорте: сб. материалов Всерос. науч.-практ. круглого стола. СПб., 2020. С. 65–73.

28. Курсаев А. В. Актуальные вопросы уголовной ответственности за оказание противоправного влияния на результат официального спортивного соревнования // Право: ретроспектива и перспектива. 2021. № 1 (5). С. 56–63.

29. Сулейманов С. К. Оказание противоправного влияния на результаты официального спортивного соревнования: криминологические аспекты // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2021. № 7 (134). С. 100–102.

30. Иванов, А.С. Предупреждение коррупционной преступности при организации и проведении Волгогр. акад. МВД РФ. – М., 2017. – 24 с.

31. Рожнова К.Ю. Детерминанты возникновения преступности в области спорта // Вестник Пензенского государственного университета. – 2021. – № 2 (34). – С. 23.

32. Мусаев Э.Т. Правовое регулирование спортивных отношений // Монография. – Ташкент: ООО IMPRESS MEDIA, 2020.